Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 2-aprel, payshanba, № 42 (3547)

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Сурхондарё

Шеробод туманида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 109 нафар хотин-қизга тижорат банкларидан 1 млрд. сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

109 НАФАР АЁЛГА КРЕДИТ

Эътиборли томони, сармояга эга бўлганларнинг тенг ярмини касб-ҳунар коллежини битирганлар ташкил этмоқда. Улар янги корхоналар очиб, иш ўринларини кўпайтириш баробарида хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришаяпти. Масалан, Рўзихол Эшбўриева банкдан 30 млн. сўм кредит олиб, хорижда ишлаб чиқарилган 10 та тикув машинаси харид қилди ва уйда ўтирган 10 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

Рустам ДАВЛАТОВ, “Ishonch” мухбири

Фарғона

ОИЛАВИЙ КОРХОНА

Ўзбекистон туманидаги “Мингтут” қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган тадбиркор Мадумаржон Худойбердиев аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларини ишга туширди ҳамда лимонарий барпо этди. Натижада, оила аъзолари ва коллеж талабаларидан иборат 10 киши янги иш ўрнига эга бўлди.

Ўз мухбиримиз

Навоий

Вилоят онкология диспансерининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Беш миллиард тўрт юз миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

СОҒЛИК — БОЙЛИК

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги тубдан яхшиланаётир. Шу аснода тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий кўриниш касб этган маскандан 50 қатновга мўлжалланган поликлиника, 60 ўринли шифохона ҳамда маъмурият биноси ўрин олган. Айни дамда 17 нафар малакали шифокор ҳамда 86 нафар ҳамшира аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Боймурод НИЁЗОВ

ТОШКЕНТДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Пойтахтимизда қиличбозлик бўйича ўсмирлар ва кадетлар ўртасида жаҳон чемпионати бошланди

Мазкур нуфузли мусобақа Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси томонидан Халқаро қиличбозлик федерацияси (FIE) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш учун қатор давлатлар даъвогарлик қилган эди. Халқаро қиличбозлик федерацияси Ўзбекистонда спорт, жумладан, Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган қиличбозликни ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ҳамда замонавий спорт инфратузилмаси мавжудлигини инобатга олиб, мазкур чемпионатни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси томонидан чемпионатни юқори савияда ўтказиш, мусобақа ташкил этиладиган спорт мажмуаларининг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш бўйича қаратилаётгани, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ҳамда замонавий спорт инфратузилмаси мавжудлигини инобатга олиб, мазкур чемпионатни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси томонидан чемпионатни юқори савияда ўтказиш, мусобақа ташкил этиладиган спорт мажмуаларининг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш бўйича қаратилаётгани, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ҳамда замонавий спорт инфратузилмаси мавжудлигини инобатга олиб, мазкур чемпионатни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси томонидан чемпионатни юқори савияда ўтказиш, мусобақа ташкил этиладиган спорт мажмуаларининг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш бўйича қаратилаётгани, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ҳамда замонавий спорт инфратузилмаси мавжудлигини инобатга олиб, мазкур чемпионатни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Чорлов садолари остида майдонга жаҳон чемпионати иштирокчилари кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Мусобақа очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом этиб вояга етказиш, халқаро майдонда Ватанимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг муҳим омили бўлган спортни ривожлантириш, жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

●●●○▶4

9 май — Хотира ва қадрлаш куни олдидан

Дунёдан ўтганларни ёд этиш, уларнинг хотирасига ҳурмат кўрсатиш, номларини абадийлаштириш халқимизга хос эзгу фазилатлардан. Шу боис ҳар биримиз аждодларимиз, яқинларимиз мангу қўним топган масканларни зиёрат қилиб турамиз. Бу билан инсонийлик бурчимизни адо этиш баробарида руҳий енгиллик ҳис этамиз.

ИНСОН — АЗИЗ, ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС

Мамлакатимизда давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида ҳам муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, қабристонлар ҳудудларини тартибга келтириш, саранжом-саришта қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда хайрия ҳашарлари ўтказилмоқда.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими маълумотларига кўра, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан шу кунларда вилоятдаги 1400 дан ортиқ қабристон ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бунда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари дафн этилган қабрларни зиёрат қилиш учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Қабристонларни тоза-озода, тартибли сақлаш инсонийлик бурчимиз, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Иштихон тумани бўлими раиси Зафар Ҳайитмуродов. — Бу ишни ҳар бир инсон ўз виждон амри билан бажаради. Умумхалқ ҳашарларида бу фазилат янада яққол намоён бўлади. Шу сабабли туманимиздаги 146 қабристонда ҳар йили бир неча марта ҳашар уюштирамиз. Бу тадбирларда катта-ю кичик, барча фаол қатнашади. Шу йил 14-15 мартда ўтказилган ҳашар кунларида барча зиёратгоҳлар тартибга келтирилиб, улар ҳудудида 4 мингдан ортиқ дарахт кўчатлари, 15 минг туп қаламчалар экилди. Қабристонлар ҳудудида махсус гулзорлар яратилди, йўлакчалар ташкил этилди. Айни пайтда бу юмушлар давом эттирилиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари қўйилган қабрлар атрофи ободонлаштирилмоқда. Қабристон ҳудудида улар ҳақида маълумотлар акс этган лавҳалар ўрнатилмоқда. Бундан ташқари, давлат маблағи ҳисобидан ўтган йили туманимиз ҳудудидаги еттита қабристон атрофи девор билан ўралган эди. Жорий йилда яна олтита қабристонда бу юмуш амалга оширилмоқда.

Қўшработ туманидаги “Юқори Жўш” маҳалласи аҳолиси ҳашар орқали қишлоқдаги қабристон ҳудудини девор билан ўради, дарахт ва гул кўчатлари ўтказди. Қабристон ҳудуди бўйлаб йўлакчалар солинди. Бу масканда ҳам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари дафн этилган қабрлар атрофи тартибга келтирилди.

Умуман, бу каби хайрли ишлар вилоятнинг барча туманларида уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, туман ва шаҳарлар марказларидаги Хотира майдонлари ободонлаштирилиб, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Чунки, бу йил Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги олдидан ушбу масканларга ёшларнинг саёҳатларини уюштириш, уруш қатнашчилари ва ёшлар ўртасида учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва кўплаб янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

КИЧИК ЛОЙИҲАЛАРНИНГ КАТТА ФОЙДАСИ

Жорий йилда Элликқалъа туманида умумий қиймати 25 миллиард сўмлик 336 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида 2 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Ёдгор Аминов паррандачиликни ривожлантириш мақсадида “Сарабий парранда” фермер хўжалигини ташкил этди ва 10 кишини доимий иш билан таъминлади.

— Банкдан олинган имтиёзли кредит эвазига 5 минг бош жўжа харид қилдик, — дейди ёш фермер Ё.Аминов. — Йилига 60 тонна парҳез парранда гўшти етиштиришга ихтисослашган хўжалигимизнинг дастлабки маҳсулоти буюртмачиларга етказиб берилди.

Тумандаги “Қилчиноқ” овул фуқаролар йиғинида “Амирбек-Ферузбек” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

— Асосан алюминий ва пластмассадан эшик-ром, темир тўсиқ, панжара ва дарвоза ишлаб чиқарамиз, — дейди корхона раҳбари Фозил Юсупов. — “Ҳамкорбанк”дан олинган 25 миллион сўмлик кредит ҳисобидан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатдик. Маҳсулотимиз сифати ва нисбатан арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Қишлоқларда қурилаётган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар учун дастлабки 12 миллион сўмлик буюртмани бажардик.

Корхона ишга тушиши билан 15 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси ишли бўлди.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.

Суратда: (ўнгдан) “Амирбек-Ферузбек” масъулияти чекланган жамияти ишчилари Мурод Аллабергенов ва Шерали Нуримбетов.

ЎзА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат

Минтақавий семинар

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашлари томонидан “Ҳудудий ривожланишга доир ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда ижтимоий шерикликнинг ўрни” мавзусида минтақавий семинар ўтказилди.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АМАЛДА

Қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган мазкур семинарда шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси С.Аҳмедов, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Г.Тўхтаева ва бошқалар меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳамда ижтимоий ҳимояни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилаётганини қайд этишди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига оид қатор қонунлар, жумладан, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

●●○○▶3

Касаба уюшмаларида ҳисобот-сайловлар йили

— “Шўртангазкимё мажмуаси” касаба уюшма қўмитаси таркибидаги 31 та цех касаба уюшма қўмитаси ва 5 та доимий комиссиялар иш фаолиятини Устав талаблари асосида мувофиқлаштиришга, аъзоларнинг сон жиҳатидан ўсишига эришди. Иш ҳақининг вақтида тўланишини таъминлаш ва қарздорликка йўл қўймаслик масалалари ҳам алоҳида назоратга олинди, — деди касабақўм раиси Наврўз Бердиев ҳисобот-сайлов конференциясида.

ХОДИМЛАР МАНФААТДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

фаолиятимизнинг муҳим асосидир

Қайд этилганидек, касаба уюшма қўмитаси ишни ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ташкил этиб, иш берувчи билан ҳамкорликда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш жараёнида фаол қатнашмоқда. Бу борада касаба уюшма қўмитаси ҳузуридаги меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси ва сайланган 11 нафар жамоатчи вакилнинг хизмати эътиборга молик.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоя қилишда жамоа шартномаси бандлари асос бўлаётир. 2010 йилда 701 нафар ходимга моддий ёрдам берилган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 1834 нафарни ташкил этди.

Ҳисобот йилларида касаба уюшма органларининг хотин-қизлар ва ёшлар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш, меҳнат фахрийлари ва ишламаётган пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада фаоллаштирилди. Амалдаги жамоа шартномаси орқали ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишларида ҳам сезиларли ўсиш кўзга ташланди. Жумладан, 2010 йилда 1984 нафар ходим санаторий ва профилакторийларда ўз соғлигини тиклагани ҳолда, ўтган йилда бу кўрсаткич 2153 нафарга етди.

Ҳар йил режага мувофиқ ходимлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллиги аниқланганлар мажмуа ҳисобидан соғлигини тиклашга эришилди. Амал қилаётган жамоа шартномасига кўра ходимлар имтиёзли равишда соғлигини тиклаши учун нафақат вилоятимиз, балки республикамизнинг турли шаҳарларида жойлашган шифохоналар билан шартномалар тузилганлиги ҳам жуда қўл келмоқда.

Корхона тасарруфидаги “Лочин” оромгоҳида 2010 йилда 4000 нафар бола соғломлаштирилган эди, ўтган йилда бу кўрсаткич 5460 нафарни ташкил этди. Ҳар йил ёзги мавсумда Қамаши туманидаги “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчилари корхона ҳисобидан оромгоҳда бепул дам олдириб келинмоқда. Шунингдек, Оролбўйи минтақасида яшайдиган, эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган 500 нафар бола ҳар йили “Лочин”да дам олдирилади. Мазкур оромгоҳда республика миқёсидаги тадбирлар ҳам намунали тарзда ўтказиб келинмоқда. “Камалак” болалар ташкилотининг анъанавий анжуманлари, “Камолот” ЁИҲ томонидан фаол ёшлар ўртасида турли форум ва танловлар ғолиблари иштирокидаги ўкув-оромгоҳи тадбирлари шулар жумласидандир. Агар ўтган йил мисолида олиб қарайдиган бўлсак, мавсум давомида “Касаба уюшмалари — болаларга” акцияси доирасида расмлар танлови, мусиқий кўрик-танловлари ўтказилиб, уларда 3500 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Қувонарлиси, 2007 йилдан буён мажмуа тасарруфидаги ушбу оромгоҳ “Энг намунали болалар оромгоҳи” номинацияси бўйича ғолибликни ўзида сақлаб турибди.

●○○●▶2

Тўкинлик манбаи

СЕРҲОСИЛ БОҒЛАР

ёхуд кам харажат қилиб, кўп фойда кўраётганлар ибрати

Ерни боқсанг — ер сени боқади, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, минг йиллар давомида элимиз деҳқончилигу боғдорчилик ортидан ўз турмушини фаровон этиб келади. Бу соҳада ўзига хос тажриба тўпланди. Биргина Тўрақўрғон гилоси-ю узумини, Янгиқўрғон олхўриси-ю олмасини, Чусту Косонсой нокини олиб кўринг. Наманганнинг тоза ҳавоси, меҳрибон қуёши ҳамда софдил одамлари самимиятидан ранг олган бу мевалар бутун дунё ҳайратини ўзига қаратиб келмоқда.

Эндиликда боғдорчиликда ҳам ривожланишнинг янги босқичларини кўзлаётган наманганликлар интенсив боғлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2008 йил 20 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари дастуруламал бўлмоқда.

●○○●▶2

2015-yil 2-aprel, payshanba, № 42 (3547), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ХОДИМЛАР МАНФААТДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

фаолиятимизнинг муҳим асосидир

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мажмуанинг барча цехларида касаба уюшма қўмиталари томонидан маънавият-маърифат хоналари, спорт майдончалари ташкил этилган бўлиб, улар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ишлаб чиқилган тавсия ва кўрсатмалар асосида жиҳозланди. Мажмуа кутубхонасида китоблар фонди йилдан-йилга бойиб бормоқда. Мажмуада "Қувноқ билимдон" интеллектуал-шоу, "Соғлом она — соғлом бола", "Мажмуа маликалари", "Мажмуа сардорлари" кўриктанловларининг ўтказилиши ҳамда олимлар, шоир ва ёзувчилар, таниқли санъаткорлар билан ўтказиладиган ижодий учрашувлар катта тарбиявий аҳамиятга моликдир.

Муҳим саналар муносабати билан ўтказиб келинаётган спорт мусобақалари, цех, тармоқ, бўлимларда меҳнат қилиб келаётган ходимлар ўртасида футбол бўйича кўчма кубок учун мусобақалар, хотин-қизлар ўртасидаги волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси баҳслари соғлом турмуш тарзи тарғиботига хизмат қилмоқда. Касаба уюшма қўмитаси нафақат ходимлар, балки уларнинг фарзандлари ўртасида ҳам турли спорт мусобақалари уюштириб, соғлом ва баркамол авлод шаклланишига ўз ҳиссасини қўшаётир.

Конференцияда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш касаба уюшмасининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралгани қайд этилди. "Соғлом бола йили" Давлат дастурини бажариш, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига ғамхўрлик сифатида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Қамаши "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари учун республикамизнинг тарихий шаҳарлари Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзга саёҳати уюштирилди. "Касаба уюшмаси — болаларга" акцияси доирасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳисобот даврида 1408 нафар эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари "Лочин" оромгоҳида имтиёзли равишда бепул дам олдирилди.

Мажмуада меҳнат қилиб келаётган ходимлар ижтимоий ҳимояга муҳтож, оиласида ногирон кишисини даволатиш учун имкон излаётган касбдошларига ёрдам қўлларини чўзиши одамгарчилик деб аталувчи миллий қадриятимизни эъзозлашдир, десак муболаға бўлмайди. Биргина ўтган йил мажмуа бўйича 65 млн. сўмдан зиёд пул маблағи хайрия сифатида ходимлар томонидан ажратилди. Аҳамиятли томони, Халқаро ногиронлар куни муносабати билан мажмуада меҳнат қилиб келаётган, оиласида ногирон оила аъзолари бўлган ходимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга қўлтиқтаёқ, ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари олиб берилди. Бундан ташқари, Ногиронлар жамиятининг Ғузор туман бўлимига ҳомийлик ёрдами сифатида турли сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар ажратиб борилди.

Касаба уюшмаси ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ҳам тинимсиз изланишда. Ходимлар ўртасида "Конституция — ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси", "Ёшлар ўртасида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш", "Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг оғир оқибатлари" мавзусида давр суҳбати, учрашувлар ташкил этилди.

Касаба уюшма қўмитаси ходимлардан тушган ариза ва мурожаатларни қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилишини йўлга қўйганлиги сабабли уларнинг барчаси ижобий ҳал қилингани, "Ишонч телефон"лари жорий этилгани иштирокчилар эътиборини тортди.

— Эришган ютуқлар ўзимизники. Бироқ айрим камчиликлардан кўз юмолмаймиз, — дейди Наврўз Бердиев. — Мажмуа ҳудудида фаолият юритаётган умумий овқатланиш цехига қарашли ошхоналарда тайёрланаётган овқатлар, мажмуа шифохонасида ходимларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини, ходимларнинг махсус кийим-бош билан таъминланганлигини назорат қилишга эътиборни кучайтириш лозим.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ғофуржон Ҳамидов, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Фозил Турсунов, "Шўртангазкимё мажмуаси" УШК директори Одил Шукуров иштирок этди.

Қаршитермопласт цехи бошлиғи Фарҳод Одилов, саноат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва меҳнат хавфсизлиги хизмати бошлиғи Рашид Раҳматов, мажмуанинг "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Умид Исматов, этилен цехи кузатувчиси, касаба уюшма қўмитаси етакчиси Ғанишер Мейлимуродов, мажмуа тасарруфидаги "Лочин" оромгоҳи бошлиғи Азамат Тўрақулов сўзга чиқди.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раислигига Шуҳрат Қурбонов сайланди.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

***

Шунингдек, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси "Қишлоққўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти Хўжайли туман филиали, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Қашқадарё минтақавий филиали, "Навоийазот" АЖ, Олтинкўл транспорт касб-ҳунар коллежи, Ўзбекистон Миллий банки Навоий бўлими, "Халқ банки" ДТ Навоий вилояти бошқармаси ҳамда "Ўзсаноатқурилишбанк" Навоий минтақавий филиали касаба уюшма қўмиталарининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳамда жамоа шартномасининг 2014 йилдаги ижроси юзасидан йиғилишлар бўлиб ўтди.

▽ Семинар

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Янгиариқ туманида "Фермер хўжаликларида меҳнат муҳофазаси ва меҳнатга оид муносабатлар" мавзусида ўқув-семинар ташкил қилинди. Ўқув семинарни туман ҳокими Камолбек Собиров олиб борди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

Анжуманда Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг масъул ходимлари қишлоқ хўжалигида "Меҳнат муҳофазаси қоидаларини таъминлаш бўйича фермернинг мажбуриятлари", "Қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда ёшларнинг меҳнат хавфсизлиги", "Механизациялаштирилган дала ишларида ва механизациялаштирилмаган (қўл меҳнати билан бажариладиган) ишларни бажаришда хавфсизлик чоралари" каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Ўқув-семинарда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Р.Жабборов, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Т.Бозоров сўзга чиқиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
"Ishonch" мухбири

СЕРҲОСИЛ БОҒЛАР

ёхуд кам харажат қилиб, кўп фойда кўраётганлар ибрати

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Интенсив боғлар ҳақида гапирар эканмиз, аввало, унинг моҳиятига эътибор қаратсак, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Икром Шарофиддинов. — "Интенсив" сўзи жадаллаштириш деган маънони англатади. Демакки, одатдаги боғлардан фарқли равишда ҳосил ҳам, шунга яраша даромад олиш ҳам тезлашади. Республикамизда юқори ҳосил берувчи пакана ва ярим пакана мевали (интенсив) боғларни барпо этишга жиддий эътибор қаратишдан мақсад бозорларимиз тўкин-сочинлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини йилдан-йилга ошириб боришдан иборат. Кўпчилик интенсив боғ деганда, фақатгина олма етиштиришни тушунади. Аслида эса бу фаолият анчайин кенгроқ. Бунинг исботини вилоятимиздаги боғлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда вилоятимизда Украина ва Полша давлатларидан келтирилган интенсив технологиялар асосида парваришланадиган пакана ва ярим пакана олма, нок, олхўри, гилос ва шафтоли боғлари барпо этилган. Биргина ўтган йили 130 дан ортиқ фермер хўжаликларида 800 гектарга яқин майдонда интенсив боғлар вужудга келди.

Интенсив боғ яратиш технологиясини кенг жорий этаётганлардан бири Поп туманидаги боғдорчиликка ихтисослашган "Серҳосил олтин мева" фермер хўжалиги раҳбари Шавкатжон Каримжоновдир. У тоғолди адирликларида янги технологиялар асосида интенсив боғ яратишга эришди. Унинг эътиборини тортган жиҳат кўчатларнинг яқин муддатларда ҳосилга кириши, сувни тежаш усуллари бўлди. Чунки оддий мевали дарахт экилганидан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунига қадар одатда 4-5 йил ўтса, интенсив боғдорчиликда эса дарахт иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосилга киради. Дарахтларнинг танаси кичик бўлгани учун уларни парваришлаш (ишлов бериш, суғориш, кесиш, шакл бериш, дори сепиш) қулай. Шунингдек, томчилатиб суғориш тизимлари қўлланилганда, 30 фоиздан 40 фоизгача кам сув сарфланади, минерал ўғитлар 50 фоизгача иқтисод қилинади.

Ушбу кўрсаткичлар моҳияти билан қизиққан Шавкатжон Каримжонов Самарқандга бориб, соҳада маълум тажрибага эга боғбонлар амалга оширган ишлар билан яқиндан танишди. Йигирма беш гектардан зиёд майдонга Греция ва Полша давлатларидан 27 минг туп шафтоли, "Ангелина", "Фортуна" навли олхўри ниҳолларини келтириб ўтказди. Томчилатиб суғориш технологияси жорий этилгани эса адирлик шароити қийинчиликларини енгишга кўмак берди. Айни пайтда ҳосил ҳам кўп куттирмади. Даромад ҳам шунга яраша бўлаётир.

Наманганда бундай илғор фикрловчи, халқимиз ҳамда хорижликлар дастурхонига ўз меҳнат маҳсулини йилнинг тўрт фаслида ҳам тортиқ этишни ният қилган фермерлар кўплаб топилади. Зеро, янги интенсив боғларни яратиш, аввало, халқимизни йил давомида тўлиқ мева маҳсулотлари билан таъминлаш, қайта ишлаш, экспорт қилинаётган мева тури ва ҳажмини ошириб боришни кўзда тутади.

Наманганнинг сархил меваларини турли кўринишларда (туршак, мураббо, шарбат ва ҳоказо) хорижга ҳам экспорт қилиш галдаги мақсадлардан. Бу борада ҳам вилоятда муайян ишлар амалга оширилган.

Дилдора РАҲМОНОВА,
"Ishonch" мухбири

Раёсат йиғилиши

ЎзКУФК ўқув марказида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Республика кенгаши фаолиятининг жорий йил биринчи чораги якунлари кўриб чиқилди.

ЯНАДА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН

Жорий йилги касаба уюшмаларидаги ҳисобот-сайловлар тармоқ тизимида ҳам ўтказиб келинмоқда. Бугунга қадар режалаштирилган 12 532 та бошланғич ташкилотдан 12 448 тасида ҳисобот-сайловлар ўтказилиб, 1978 нафар раис янги сайланди.

Чорак давомида Республика кенгашига фуқаролардан 19 та ёзма, 8 та оғзаки, 8 та «Ишонч телефони» орқали, жами 35 та мурожаат келиб тушди. Мурожаатлар қонуний асосда ўрганилиб, ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси бурчакларини ташкил этиш, техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилиши ҳамда ходимларни улар билан ўз вақтида таништирилиши юзасидан бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бу даврда 31 ташкилот ва муассасага меҳнат муҳофазаси масалаларида амалий ёрдам берилди.

Раёсат йиғилишида чорак давомида тизимда амалга оширилган шу каби ишлар қайд этиб ўтилди. Келгусидаги вазифаларни янада изчиллик билан йўлга қўйиш таъкидланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Бор бўл, оқибат!

Жорий йил бошида ЎзКУФ Ёшлар кенгаши фаолларининг йиғилишида мамлакатимиздаги ёрдамга муҳтож кексалар, пенсионер ва ногиронлар, ёлғиз қарияларга ижтимоий кўмак бериш ҳақида қарор қилинган эди. Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши фаоллари туман ҳокимликлари, "Нуроний" жамғармаси вакиллари билан ҳамкорликда Наврўз байрами муносабати билан ушбу йўналишда қатор тадбирларни амалга оширди.

ЁШЛАР ТАШАББУСИ

Элликқалъа туманида яшовчи Қутлимуратовлар хонадонида қувончли воқеа юз берди. Оилада бирваракайига 3 нафар эгизак чақалоқ дунёга келди. Тиббиёт ходимлари, туман ҳокимлиги вакиллари қаторида касаба уюшмалари Ёшлар кенгаши фаоллари ҳам бахтли оила аъзоларига кўмак беришга чоғланган. Фаоллар чақалоқлар парвариши учун зарур анжомларни совға қилди.

Шунингдек, Ёшлар кенгаши вакиллари республикада ўтказилган ободонлаштириш ишларида фаол қатнашмоқда. Жумладан, Нукус шаҳрида жойлашган "Салмен ата" қабристонининг 5,6 гектар майдони бегона ўтлардан тозаланиб, гул кўчатлари ўтказилди. Хўжайли туманида жойлашган "Аёллар мурувват уйи" ҳудудида ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Ўз мухбиримиз

ЮҚОРИ СИФАТ, АРЗОН НАРХ

Юртимизда Наврўз байрами давом этаётган шу кунларда жойларда кўплаб янги маданий-маиший иншоотлар, ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилмоқда.

Хусусан, Андижон вилоятининг Балиқчи туманида "Ўз Тонг Хонг Ко" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси филиали иш бошлади. Филиал цехларида 19 хилдаги кеда — спорт оёқ кийимлари, шунингдек, турли қурилиш михлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамиз йилига 12 минг жуфтдан зиёд кеда, 120 тоннадан ортиқ мих ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди филиал масъул ходими Бекзод Эгамбердиев. — Маҳсулотларимизнинг сифати юқорилиги, нархи нисбатан арзонлиги харидорларга манзур бўлиши шубҳасиз. Филиалнинг ишга туширилиши билан 20 дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди.

ЎзА.

Суратларда: корхонада.

ЎзА фотомухбири
Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ
олган сурат



▽ Кўрик-танлов

НАВБАТ — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи билан ҳамкорликда меҳнаткашларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ўта муҳим бўлиб, бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олишда жойларда ўтказилаётган кўрик-танловларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан 2015 йил 5 февралда «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона республика кўрик-танлови ўтказиш тўғрисида»ги Низом қабул қилинганди, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшан Махамадалиев. — Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида бирлашма кенгашидан 11 нафар кишидан иборат ишчи комиссияси тузилди. Ушбу гуруҳ меҳнат муҳофазаси борасида энг яхши натижаларга эришган корхона, ташкилот ҳамда муассасалар ва касаба уюшма қўмиталарини, жамоатчилик асосида сайланган вакилларни аниқлашни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган. Жойлардаги меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини олиш, айни вақтда илғор иш тажрибаларини кенг ёйиш ишлари ҳам айнан ушбу комиссия зиммасига юклатилган.

Кўрик-танловда қатнашиш учун 86 тадан зиёд корхона ва ташкилотлар ҳужжатлари комиссияга тақдим этилди. Фаолият ҳар жиҳатдан ўрганилиб, ғолиблар аниқланди.

Тармоқлар бўйича «Энг яхши корхона», «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» ва «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» номинацияси бўйича ғолиблар республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Неъмат РАФИҚОВ,
"Ishonch" мухбири

ҒОЛИБЛАР ИБРАТИ

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, ишлаб чиқаришда кўнгилсиз ҳодиса ва касб касалликлари олдини олиш, шунингдек, меҳнат муҳофазасига оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашда "Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови"нинг ўтказилиши ҳар жиҳатдан ўзини оқламоқда.

Мазкур танловда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши тасарруфидаги 45 та корхона, ташкилот ва муассаса қатнашди. Унда меҳнат шароитини яхшилаш бўйича қўлга киритилган ютуқлар қайд қилиниб, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва кенг тарғиб қилиш бўйича тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берилди.

Кўрик-танловда "Ватанпарвар" ташкилотига қарашли Бухоро автомобил мактаби учинчи, "Халқ банки"ДТ Бухоро вилоят филиали иккинчи, "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Бухоро минтақавий филиали биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида қатнашадиган бўлди.

Ҳаётжон ШАРИПОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

ЭНГ ЯХШИЛАР

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг Самарқанд вилояти бўйича ғолиблари аниқланди.

Маълумки, меҳнат муҳофазаси, иш ўринларининг санитар-гигиена талабларига жавоб бериши, ушбу йўналишдаги қоида ва меъёрлар бўйича ўқитиш, махсус кийим-кечак билан таъминланиш даражаси, иш ўринларини шаҳодатлаш, зарарли ва хавфли омилларни бартараф қилиш ва бошқа қатор талабларга жавоб бера олган корхона намунали жамоа саналади. Танлов боис қатор ташкилот ва корхоналарда меҳнат шароитларига яна бир қур назар ташлашга тўғри келди. Ишлари манзур топилган тармоқ корхоналари вилоят босқичи ғолиблари бўлишди.

«Янгиқўрғон пахта» ОАЖ, Пайариқ туман тиббиёт бирлашмаси, «Ипотека банк» АТИБ Самарқанд вилоят филиали, «Марказий геология-геофизика экспедицияси», «Каттақўрғон-парранда« МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси, «Самарқанд автомобил заводи» МЧЖ кўрик-танловнинг «Энг яхши корхона» номинациясига муносиб топилди. Самарқанд магистрал газ қувурлари бошқармаси, Пайариқ туман тиббиёт бирлашмаси, «Янгиқўрғон пахта», «Самарқанд автомобил заводи» «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» ҳамда «Энг яхши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил» номинациялари ғолиби бўлишди.

Усмон КАРИМОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

2015-yil 2-aprel, payshanba, № 42 (3547), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АМАЛДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Эътиборли жиҳати, давлатимиз томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаяпти. Жумладан, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси жамоат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва ислоҳотлар жараёнида улар иштирокини кенгайтиришга яқиндан кўмаклашаётир.

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси давлат ва жамоат ташкилотлари ижтимоий шериклигининг мустаҳкамланишида муҳим босқич бўлди, — деди "Фотон" акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳкам Раимов. — Шунингдек, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани долзарб ижтимоий-иқтисодий дастурлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш, ташкилотлар ўртасида ўзаро шериклик тамойилларининг барқарор ривожланишида катта қулайликлар яратди, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Семинарда ҳамкорликка асосланган фаолиятни янада кучайтириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашда ижтимоий шериклик тамойилларини кенг жорий этиш борасида қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ўз мухбиримиз.
Аҳмад ТЎРА олган сурат

▽Фахр

Хоразм вилоятида автомобилсозлик саноатининг йўлга қўйилиши Турин политехника университетини тамомлаган қалби орзуларга тўла ёш мутахассис учун айни муддао бўлди. У "GM Ўзбекистон" акциядорлик компанияси Хоразм филиалининг биринчи ходимлари қаторидан жой олди. Бундан ота-онасининг кўкси тоғ қадар ўсди. Бугун Ҳамид Бобоев жамоада ўз ўрнига эга мутахассис саналади.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

Автомобил ишлаб чиқарувчи заводлар дунёнинг 28 та давлатида мавжуд. Бироқ мамлакатнинг ўзида мотор, енгил автомобил ва юк автомобилларини ишлаб чиқариш заводлари жамулжам бўлгани атиги 4 та. Улардан бири бизнинг мустақил Ўзбекистонимиздир.

— Бугун нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг кўплаб давлатлари кўчаларини тўлдириб юрган, инсонларга қувонч улашаётган, узоғини яқин қилаётган автомобиллар ишлаб чиқарилишида менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман, — дейди Ҳ.Бобоев.

2013-2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига мувофиқ, республикада автомобил ишлаб чиқариладиган тўртинчи ҳудуд пайдо бўлди. Бунинг натижасида 1500 нафардан ортиқ юртдошларимиз иш билан таъминланди. Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати 40 000 та автомобилни ташкил этади. Қисқа фурсатда бу ерда ишлаб чиқарилаётган "Дамас" ва "Шевроле Орландо" ўз харидорларини топиб улгурди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур завод фаолияти йўлга қўйилиши билан бир вақтда бутловчи қисмларни етказиб берувчи бешта қўшма корхоналар (ЎзТонгХонг, ЎзДонгЯнг, ЎзКорам, ЎзДонгВон, ЎзСемюнг)нинг филиаллари ташкил этилди. 300 нафардан ортиқ иш ўринлари яратилди.

— Биз ёшларга автомобилсозлик соҳасида ўз малакамизни ошириш ва мукаммал билим олишимиз учун жуда катта шароитлар яратилган. Масалан, Турин политехника университети, Тошкент техника университети, Тошкент автомобил йўллари институти, булардан ташқари шу соҳага мослашган касб-ҳунар коллежларида соҳа учун зарур бўлган мутахассислар тайёрланмоқда. Кўплаб мутахассисларимиз чет давлатларда малака оширишиб қайтмоқда. Мен ҳам яқинда Кореяда бўлдим, — дейди қаҳрамонимиз.

Бунёдкорлик ишлари одамларнинг дунёқарашини ўзгартиради. Шу тариқа эртанги кунга ишончи ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

▽Қариси бор уй

ХОЛАДА ОНА ҲИДИ

Ўғлиникига келганини эшитиб, холамни кўргани бордик. Зиёдулланинг замонавий, файзли хонадонига кирибоқ, остонада бизни илҳақ кутиб турган холажонимга кўзимиз тушди. Унинг мунис нигоҳларида соғинч акс этар, чеҳрасида қувонч нурлари шуълаланарди. Бераҳм йиллар шамолида ўзини анча олдириб қўйган, майиздеккина бўлиб қолган вужудни маҳкам бағримга босдим. Шу лаҳза таниш, қадрдон бўйни туйиб энтикиб кетдим. Холадан онанинг ҳиди келади деганлари рост экан. Назаримда, онажонимни қучгандек эдим.

— Худо мени бир қайтариб берди, бориб кўрмадинг.

— Кечиринг, холажон, ўша кунлари ўзим ҳам бетоб эдим, хаста ҳолимда тўрт вилоят ҳудудини босиб бориб келиш осон бўлмайди. Узоқники шу экан-да...

— Тўғри, узоқники қийин. Аммо укагиналаринг, синглинг ёнимдан жилгани йўқ. Майли, ўзинг омон бўлсанг бас, опамдан қолган ёдгорлар сира тўкилмасин дейман...

Гурунгимиз тоза қўр олди. Холам сира чой ичмайди, пиёлани тўлдириб муздай кока-колани симиради. Негадир, шу ичимликни ёқтиради. Ваҳоланки, шифокорлар колани ичишни ман этган, ўғиллари, келини Чаросхон, синглим Саодатнинг ҳай-ҳайлашига парво ҳам қилмайди.

— Ҳадеб ичаверманг, жигарга зарар, — деб қўйдим мен ҳам.

— Шуни ичсам, ҳовурдан тушгандек бўламан.

Бошқа гапириб ўтирмайман, чунки холамнинг феълини биламан, табиатан жуда қайсар ва бир сўзли. Ёшлигида ҳам шундай бўлган, раҳматли поччам учун унинг айтгани-айтган, дегани-деганди. Чиройли умргузаронлик қилдилар. Поччам қатъиятли киши бўлиб, хотини устига хотин олган ёки ўзга аёлларга илакишган эркакларни хуш кўрмас, бундайларни худбин, носоз кимсалар деб атарди. Ўғиллари ҳам ўзига тортди. Бу оилада ажралиш иснод саналади. Куни келиб, поччам бу ёлғончи дунёни тарк этди. Эндиликда эса ота эъзозлаган онани фарзандлари бошга кўтаришмоқда. Холам қиш фасли Тошкентдаги ўғилларининикида бўлади, ёзни эса Яккабоғдаги муҳташам, соясалқин, сўлим ҳовлисида ўтказади. Фарзандлар ва бир этак набиралари уни сира ёлғизлатишмайди.

Дийдор юки оғирлик қилдими, бир пайт сўзамол холам жим бўлиб қолди. Жисмига чўккан ҳорғинлик дарҳол чеҳрасида қалқди.

— Онажон, нима бўлди, бирор жойингиз оғрияптими?, — Зиёдулла ўтирган ўрнидан ирғиб туриб, елкасидан қучди. Она жигарбандининг меҳридан ийиб, мамнун кулимсиради.

— Болажоним, ҳеч қаерим оғримаяпти, бироз толиқдим, шекилли.

Биз ҳам аста қўзғалдик. Тун алламаҳал бўлиб қолган, сукунат борлиқни аллалаётгандек эди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
"Ishonch" мухбири

ЛАМ ВА ОДАМ

Қоронғуда кўриш имкони

АҚШнинг Science for Masses мустақил тадқиқотчилар гуруҳи қоронғуликда 50 метргача бўлган масофадаги нарсаларни ажратиш имконини берувчи махсус томизгичларни ишлаб чиққанини маълум қилди, деб ёзади The Medical. Тадқиқотчилардан бири уни ўзида синаб ҳам кўрди.

Томизгич физиологик эритма, инсулин, диметилсулфоксид ва хлорин е6 (Се6) аралашмасидан иборат. Ёруғликка таъсирчан модда бўлган Се6 кўпинча хатарли шишларни лазер ёрдамида даволашда қўлланилади. Тадқиқотлар ушбу модда кўзга томизилганда қоронғуда кўриш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда ҳам ёрдам беришини аниқлади.

Кинонинг фанга таъсири

Буюк Британияда сўнгги тўрт йилда физикага қизиқувчилар ва бу фанга ихтисослашган олий ўқув юртларига имтиҳон топшираётганлар сони сезиларли равишда кўпайиб бормоқда, дея хабар қилмоқда The Independent.

Олимларнинг фикрига кўра, физиканинг оммалашувида кинолар ("Интерстеллер", "Гравитация" ва бошқалар) муҳим ўрин тутмоқда. 2012 йилдан бери физикага ихтисослашган факултетларга имтиҳон топширувчилар сони 40 фоизга кўпайган.

— Бундан ташқари, мазкур фанга бағишланган илмий-оммабоп филмларнинг кўпайиб бораётгани ҳам, бу жараёнда муҳим ўрин тутмоқда. Шунингдек, мактабларда физика фанидан дарс ўтиш сифати яхшиланиб бормоқда, — деди Физика институти вакиласи Ионна Киневич.

Фуқаролар таклифи асосида лойиҳалар



Хитойлик интернет фойдаланувчилари "Менинг таклифим" дастурининг икки ярим ойдан буён давом этаётган синов режимидаги иши чоғида, ҳукуматга ХХРдаги ҳаётни яхшилаш бўйича 790 мингта таклиф юборди, дея хабар бермоқда China News.

Бутунхитой вакиллар халқ мажлиси депутатлари ушбу тажрибани муваффақиятли ва ривожлантиришга лойиқ деб эътироф этди. Зарур ўзгаришлар бўйича ўз фикрларини барча хоҳловчилар ХХРдаги етакчи ОАВлар сайтларида ва ижтимоий тармоқлардаги махсус саҳифаларда қолдириши мумкин эди.

Айни пайтда фуқаролар ғояларига асосланган 46 та лойиҳа тайёрлаб қўйилган.

Интернет материаллари асосида
А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси университетнинг Чет тиллар факултети "Инглиз тили амалий курси" кафедраси мудири Замира Абдужабборовага отаси

Рустам ХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Реклама ва эълонлар

Ғаллаорол туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси

Ҳўрматли шифокорлар ва тиббиёт соҳаси фидойиларини Наврўз айёми билан қизғин қутлайди.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 апрелдаги 83-сонли қарори ва "ONIKS" АЖнинг 2014 йил 30 майдаги акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси ҳамда "ONIKS" АЖнинг 2015 йил 30 мартдаги 152/32-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Умумий ер майдони 16558 кв.м. бўлган 1-блок – 166 кв.м., 2-блок – 118 кв.м., 3-блок – 63 кв.м., 4-блок – 548 кв.м., 5-блок – 971 кв.м., 6-блок – 47 кв.м., 7-блок – 45 кв.м., 8-блок – 25 кв.м., 9-блок – 56 кв.м., 10-блок – 146 кв.м., 11-блок – 919 кв.м., 12-блок – 80 кв.м., 13-блок – 169 кв.м., 14-блок – 402 кв.м., 15-блок – 507 кв.м., 16-блок – 7 кв.м., 17-блок – 1902 кв.м., 18-блок – 631 кв.м. **Бошланғич баҳоси — 4 288 181 156 сўм.**

2. Умумий ер майдони 9173 кв.м. бўлган 37-блок – 13099 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 7 822 143 865 сўм.

3. Умумий ер майдони 6560 кв.м. бўлган 38-блок – 4195 кв.м., 39-блок – 264 кв.м., 40-блок – 5920 кв.м. **Бошланғич баҳоси — 8 205 295 584 сўм.**

4. Умумий ер майдони 18790 кв.м. бўлган 54-блок – 1678 кв.м., 65-блок – 130 кв.м., 66-блок – 1449 кв.м., 67-блок – 126 кв.м., 68-блок – 65 кв.м., 69-блок – 280 кв.м., 70-блок – 1254 кв.м., 71-блок – 14 кв.м., 72-блок – 32 кв.м., 73-блок – 12 кв.м., 74-блок – 755 кв.м., 75-блок – 15 кв.м., 76-блок – 22 кв.м., 77-блок – 113 кв.м., 78-блок – 1102 кв.м., 79-блок – 36 кв.м., 80-блок – 41 кв.м., 81-блок – 517 кв.м. **Бошланғич баҳоси — 4 479 625 245 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 20 апрел куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2015 йил 17 апрел куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар 2015 йил 20 апрел куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2015 йилнинг 30 апрел ва 11 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йилнинг 30 апрелдаги савдо учун 28 апрел куни, 11 майдаги савдо учун 8 май куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй. Тел/Факс: (0371) 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Хизматлар лицензияланган.

По объекту: **«Текущий ремонт улицы Холмурод, в махалле Боймурод Канимехского района (0,89 км)».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 239 958 833 сум, с НДС 287 950 600 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **2 месяца.**

Заказчик **Управление благоустройства хокимията Канимехского района.**

Расположенный **г.Канимех ул. Бунёдкор - 15.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств местного бюджета.**

(размер квот для субъектов малого бизнеса 25%).

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А,

тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия 2а не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Услуги лицензированы.

Вниманию организаций и предприятий!

Управление благоустройства хокимията Канимехского района ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мамлакатимизда саккиз юзга яқин спортчи қиличбозлик билан мунтазам шуғулланмоқда. Улардан 50 нафари терма жамоаларга жалб этилган. Истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилаётган эътибор спортчиларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган ютуқларида муҳим омил бўлмоқда.

ТОШКЕНТДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси жойларда ёшларнинг ушбу спорт тури билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиш, спортчи ва мураббийларнинг маҳоратини ошириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Наманган ва Тошкент вилоятларида ҳудудий федерациялар фаолият кўрсатмоқда. Олимпия захиралари коллежлари ва спорт мактабларида қиличбозлик бўлимлари ташкил этилган. Спортчиларнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва муносиб иштирок этиши учун қулай имкониятлар яратилмоқда.

Бунинг натижасида спортчиларимизнинг ютуқлари йилдан-йилга ошиб бораётир. 2012 йили Лондонда ўтказилган XXX ёзги Олимпия ўйинларида Руслан Кудаев муносиб иштирок этди. 2013 йили Таиландда ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биттадан олтин ва бронза медални қўлга киритди. Филиппинда ўтган қитъа чемпионатида Роман Александров кумуш медал билан тақдирланди. У 2014 йилнинг май ойида Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё чемпионатида бронза медалга сазовор бўлди. Ўтган йили қиличбозларимиз Қозоғистон ва Сингапурда ўтказилган халқаро турнирлардан юртимизга битта олтин, иккита кумуш медал билан қайтди. Париж шаҳри мезбонлик қилган Гран-при турнирида ҳам муносиб иштирок этди.

Жорий йилда Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ва кадетлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг жамоавий баҳсларида терма жамоамиз аъзолари шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шпага йўналиши бўйича қизлар ўртасида ўтказилган яккалик баҳсларида Малика Ҳакимова олтин медални қўлга киритди.

Пойтахтимизда бошланган жаҳон чемпионатида 100 га яқин давлатдан спортчилар баҳслашмоқда. Ватанимиз шарафини Файзулло Алимов, Санжар Собиров, Санжар Алимов, Малика Ҳакимова каби тажрибали спортчиларимиз билан бирга иқтидорли ёшларимиз ҳимоя қилмоқда.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

«МУШТУМ» МЕҲМОНИМИЗ

Америкада Алберт Эйнштейн шарафига уюштирилган зиёфатда уй бекаси машҳур олимга билағонлигини намойиш қилгиси келади. У олимнинг қўлтиғидан олиб, дераза ёнига бошлаб келади, осмонда чарақлаб турган юлдузга ишора қилиб, дейди:

— Бу — Венера. Уни топиш жуда осон, худди гўзал аёлдек ял-ял товланиб туради.

— Афсус! — дейди олим. — Сиз кўрсатиб турган сайёра Юпитер!

— Қойилман, профессор! Сиз узоқ масофадан туриб ҳам сайёраларнинг жинсини ажрата олар экансиз!

МАШҲУРЛАР КУЛАДИ, КУЛДИРАДИ, КУЙДИРАДИ

Томас Маннга бошловчи қаламкаш машқларини топшираркан, ўқиб, фикрини айтишини сўрайди. Машҳур адиб қўлёзмани варақлаб кўраркан, иқтидорсиз ҳаваскорга шундай маслаҳат беради:

— Сиз иложи борича кўпроқ ўқишингиз керак.

— Нима, бу... шунчалик шартми?

— Шарт! Сиз қанчалик кўп ўқисангиз, шунчалик ёзишга вақтингиз камроқ қолади.

Бернард Шоу ҳеч қачон режиссёрларга пьесасини қисқартиришга рухсат бермасди. Лондондаги театрлардан бирининг директори драматургнинг комедияси саҳналаштирилаётганда, асосий кўрикдан сўнг унга шундай телеграмма юборади:

«Пьесани қисқартиришга рухсат беринг, акс ҳолда томошабинлар охирги поездга улгуришолмайди».

Шоу шундай жавоб қилади:

«Қисқартиришга рухсат бермайман. Поезд жадвалини ўзгартиринг».

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Митти ҳажв

Тешавой ака хонтахта тўридаги кўрпачада ёнбошлаб ётганича газета варақларди. Ҳовлиқиб хотини кириб келди.

— Мен бечора қудага ёлчимадим! — деди қошини чимириб алам билан Зулфия янга.

— Нега ундай дейсан? — Тешавой ака қўлидаги газетани хонтахтага қўйиб, хотинига қаради.

— Ҳаҳ, эссиз-а! Биринчи неварам-а! — Зулфия янга тиззасига шапатилади.

САРПО

— Вей, нима гап ўзи? Бундай тушунтириб гапирсанг-чи? — Тешавой ака хавотир билан туриб ўтирди. — Бир гап бўлдими?!

— Аёл қуда, Саломат неварамизга сарпо олибди.

— Менга қара, хотин, миянг айниб қолмаганми? Сарпо олган бўлса, яхши. Ўтакамни ёриб юбординг-ку. Келинга бир гап бўлдими, дебман.

— Бу бир гапмасми?! — овози титраб йиғламсиради хотини. — Чақалоққа кийимларнинг оддий, вешалкалигидан олибди. Ҳали мени обрўйим шу бўлдими?! Дўконларда коробкалиги қалашиб ётибди. Олмайдими, энг қимматидан! Қурумсоқ! Керак эмас, бирорта кўйлагиниям кийдирмайман, таглигиниям ишлатмайман!

— Тагликни сен эмас, чақалоқ ишлатади, — кулди Тешавой ака.

— Сиз ҳазил қилишни биласиз, — лабини бурди хотини.

Зулфия янга бир нарса эсига тушгандек эрига ялт этиб қаради.

— Вой шўрим! — Зулфия янга ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа, яна нима бўлди?

— Ўғил бола кийимини олибдими, қизникиними, сўрамабман-ку?!

Тешавой ака чойини ҳўплади ва:

— Шошма, хотин, ҳали неваранг туғилгани йўқ-ку! — деди.

Зулфия янга нима дейишини билмай, эрига бақрайиб қараб қолди. Кейин, қўлини силтаб шошганича чиқиб кетди.

Абдужалил РАҲИМОВ.
Чиноз тумани

ЎзА сурати

МЎЙҚАЛАМДАГИ КУЛГИ

Мусаввир ўз ўй-кечинмаларини турли рангларда тасвирлар экан, албатта, у орқали одамларга кайфият ва эстетик завқ улашишга ҳаракат қилади. Айниқса, ҳаётимизда учраб турадиган оғриқли нуқталарни ҳазил-мутойиба тарзида акс эттирувчи карикатура жанрига хос асарлар фикримиз далили бўла олади.

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган "Бирга кулишайлик" деб номланган кўргазмада айнан юмористик мазмундаги суратлар санъат ихлосмандлари ҳукмига ҳавола этилди.

Унда М.Эшонқулов, Б.Тожиев, Ш.Музаффаров, Р.Азизов, Ж.Мирзо, Ф.Тешаев, О.Босихонов, М.Гозиев, А.Баҳромов, Ҳ.Содиқов, Н.Попов каби карикатурачи рассомлар ўз ижод намуналари билан иштирок этмоқда.

Мазкур кўргазмада "Муштум" журналининг карикатурачи рассомлари ҳам фаол қатнашаётгани эътиборга молик.

Покиза ТУРДАЛИЕВА,
ЎзМУ талабаси

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

«Бегона машина менинг жойимга турмасин».
(Машиналар турар жойидаги ёзув)

***

«Қаймоқларга сут, сутларга қаймоқ қўшмай сотамиз».
(Сут сотувчининг дегани)

***

«Бизнинг уйда хотиним, болаларимгина эмас, ҳатто чумолилар ҳам ишлашади».
(Бир отанинг дегани)

***

«Хотинингиз қалбини забт этмоқчимисиз, марҳамат, қалб эшигини очиб бераман».
(Руҳшунос гапи)

***

«Ғанивой янги туғилган эварасини шаҳар бўғидаги ошхонада ювармиш».
(Ошналар гапидан)

***

«Меҳмон деган ўз оёғи билан келиб, ўз оёғи билан кетса-да!»
(Мезбоннинг нияти)

***

«Унинг юзи силлиқ куракка ўхшагани билан гаплари ёқиб-ёқиб оғритадиган гаплар!»
(Маҳалладошлар ғийбати)

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ

Бир адашган киши чўлда кетаётиб шерга дуч келибди. У қўрққанидан Худога илтижо қила бошлабди:

— Эй, Худо, илтимос, бу шерга инсоф бергин.

Шер шу заҳоти тиз чўкиб, панжасини осмонга чўзибди:

— Худойим, етказган неъматинг учун сендан миннатдорман!

— Мени алдашга уялмадингизми? Сиздан сотиб олган хўроз ғирт дангаса экан-ку? — харидор сотувчига дағдаға қилди.

— Йў-ғе?!

— Сотган хўрозингиз фонограммага ўтиб олган экан.

— Наҳотки?

— Ҳа, эрталаб қўшниларимизнинг хўрозлари қичқирса, у бошини ликиллатиб тасдиқлаб қўяпти, холос?!

Файзулла АБДУЛЛАЕВ тўплади.

Рассом Ҳусан СОДИҚОВ
Баҳодир ҚИРОНОВ мавзуси

АГАР ЁШИМ СЎРАСАЛАР...

Болаликда улғайишни ким қилмас ҳавас,
Шу орзуда не хаёллар келган бошимга.
«Ҳали ёшсан» демасинлар учун, сир эмас,
Уч-тўрт ёшни қўшиб айтар эдим ёшимга.

Бугун эса ташлаб борар мени ёшлигим,
Этагидан тутмоқликнинг йўли йўқ, нетай.
Гўзалларнинг даврасида ёшим сўрса ким,
Уч-тўрт ёшни камайтириб айтаман атай.

Носир МУҲАММАД

АЙДАРКЎЛ СОҲИЛЛАРИДА

Ўлкамиз табиати

Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳудудида ястаниб ётган Айдаркўл мамлакатимиздаги табиий кўлларнинг энг каттаси ҳисобланади. Кўл жуда маҳобатли, унинг бир томони уфққа туташиб кетган. Эрта тонгдан қуёш бўй кўрсатгач, теваракатроф қирмизи тусга киради. Сув сатҳи минг бир жилоланиб, ҳақиқий жозиба касб этади.

Кўл кўплаб сув ҳавзаларидан иборат бўлиб, табиати мўътадил. Бу ерда эрта тонгданоқ қушларнинг баланд овоздаги шовқин-сурони эшитилиб туради. Айниқса, соқақушлар шовқини олис-олисларгача садо беради. Биз соҳил бўйлаб борарканмиз, сув қушлари бошимиз узра чарх урар ва ҳавога кўтариларди. Улар парвози ажиб бир гўзаллик бағишларди.

Бу қушларни ўтроқ ва кўчиб юрувчиларга ажратиш мумкин. Қорабузов, оқбош ўрдак, қашқалдоқ, қирғовул кабилар ўлкамизда муқим яшайди. Илгари кўлда қорабузов ва чағалайлар бармоқ билан санарли даражада эди. Эндиликда улар сони кўпайиб, бошқа сув қушларининг тури ҳам ортиб бормоқда. Улар гала-гала бўлиб, товушсиз ҳаракат қилиб, сувнинг тебранишидан ўлжасини осон топадилар. Шунингдек, қирғоқ бўйидаги ўсимликлар ва дон-дунлар билан ҳам озиқланиб, етарли ёғ захирасини тўплайди.

Қалин чакалакзорларда товуқсимонлар туркумига кирувчи қирғовуллар ҳам кўзга ташланиб қолади. Хўрозининг кўзлари атрофи қизғиш, боши кўк рангда бўлиб, бўйин қисмидаги оқ ҳошияси уни янада ёрқинлаштирган. Танасининг ярмидан ортиғи дум. Модасини ўзига хос қичқириқ билан жалб қилади. Мода қирғовул унинг олдида кўримсиз, тана усти қум рангда бўлиб, қўнғир доғлари бор. Хавф-хатар туғилгудек бўлса, учишга мажбур бўлади. Аммо улар дадил ва тез югура олади. Тустовуқларни, айниқса, очиқ табиат оғушида кузатиш ниҳоятда завқли.

Қушларнинг кўчиб юриши — яшаш учун курашдан иборат. Айдаркўлда қишда ҳам сув музламагани учун минглаб рангбаранг қушлар гала-гала бўлиб, арғимчоқ ҳосил қилиб, Узоқ Сибир ва Урал ортидан учиб келишган. Шулардан соқақуш, қорабузов, оқбош ва олақанот ўрдаклар, оқ пешонали ва қизилтомоқ ғозлар, ноёб ва камёб оққуш ҳамда турналар бир-бири билан ўзаро хабар алмашиб, озуқа мўл бўлган жойларни топишади.

Йиртқич қушлардан оқ думли сувбургути ҳамда сувқирғийлар ўткир кўзли айёр «овчилар»дир. Улар худди яшиндек тез ҳаракатланиб, балиқларни оёқ панжалари билан осонгина тузоққа илинтиради.

Оққушлар — «Кўл маликалари» ҳисобланиб, жуда чиройли ва ҳуркак. Сувда сузиб юрувчи йирик қушлардан. Кўриниши қордек оппоқ, тумшуғи сариқ. Бўйни тана узунлигига тенг.

Кулранг ғоз нодир паррандалардан ҳисобланиб, учиш олдидан бироз югуриб, сўнгра истар-истамас ҳавога кўтарилади. Унинг ташқи кўриниши жуда чиройли. Устки қисми кулранг, қорин томони оқ патлар билан қопланган, тумшуғи эса қизил рангда. Оёқ панжалари пардали бўлганидан сувда тез ва яхши сузади. Уларни қамишли ҳавзаларда учратиш мумкин. Кулранг ғозлардан ташқари ёввойи ва кўк ғозлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Улар бу ерга қишлаш учун учиб келган.

Ўрдаксимонлар туркумига кирувчи чуррак ювош ва ҳуркмас қуш. Секин ҳаракатланади. Ташқи кўриниши кулранг. Оёқ панжалари пардали бўлганлиги сабабли сувда тез сузиб, чуқур шўнғий олади. Сув тагида узоқ вақт тура олиши билан бошқа қанотли қушлардан фарқ қилади.

Айдаркўлда балиқхўр қушларнинг йигирмага яқин тури мавжуд бўлиб, улардан қоравой, қашқалдоқ ва соқақушлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аёзли қиш кунлари кўл соҳилларига бошқа ҳудудлардан учиб келувчи қушлар янада кўпаяди. Кўпчилиги қишлаш учун ҳавза бўйлари ва ботқоқ ҳудудларига кўчиб келишади. Улар чегара билмайди. Шимолдан учиб келган бу қушлар ўлкамизда тўхтаб, дам олиб, озиқланиб, куч тўплаб, яна келган жойига қайтиш тадоригини кўришади. Узоқ сафар олдидан гала ҳосил қилиб, бир хил йўлдан учиб кетишади.

Қиш ойлари кўлнинг сув сатҳи кўтарилиб, қирғоқлардан тошади. Янги сув ҳавзалари вужудга келади. Биз қирғоқ бўйлаб борарканмиз, қизил шўразор ва шувоқзорлар эътиборимизни тортди. Кўлнинг қумли соҳиллари кўриниб, юлғун ва қамишзорлар ҳам кўзга ташланиб турарди. Саксовул шохлари тарвақайлаб, танаси йўғонлашиб кетган. Улар қишда қушларга бошпана, ёзда соябон вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, йирик буталар, қуёнсуяк, черкез, қандим каби чўл ўсимликлари кўкка бўй чўзиб, қумкўчкилар олдини олади.

Абдулла САИДОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:10
Topshirildi — 22:00

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 415 | 19386 nusxada bosildi | 1 2 3 4 6